

“Сирож Солиҳ” жоме масжиди янгидан қуриладиган бўлди



16:30 / 29.05.2019 2071

Бугун, 2019 йил 29 май Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги “Сирож Солиҳ” жоме масжидининг янгидан барпо этилаётган биносига биринчи ғишт қўйилди. Жоме масжид пойдеворига тамал тошини қўйиш жараёнида муфтий Усмонхон Алимов ва бошқа кўплаб имом домлалар қатнашди. Бу ҳақда Муслмонлар идораси матбуот хизмати маълум қилди.

Тошкент шаҳрининг Қора-қамиш мавзесидаги “Сирож солиҳ” жоме масжиди 1990 йилларда собиқ шўролар давридаги қатағон сиёсати оқибатида ўз юртдан чиқиб кетишга мажбур бўлган Сирожиддин Солиҳ исмли ватандошимизнинг васиятига кўра, у кишининг маблағлари ҳисобидан қурилган.

Қарийб 30 йил мобайнида масжид таъмирталаб ҳолга келиб қолди. Қолаверса, охири пайтларда масжид жамоати сезиларли даражада ортиб, хонақоҳ торлик қилаётган эди. Маҳалла аҳли эзгу ният билан масжидни қайта қуриш таклифини илгари суришди. Ушбу хайрли ташаббус мутасадди ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлангач, шу йилнинг январь ойида масжидда қайта қуриш ишлари бошлаб юборилди.

2000 метр квадрат майдонида қуриладиган масжид лойиҳаси ўзига хослиги, миллий ҳамда замонавий масжидларнинг услубларини ўзида акс эттирганлиги билан ажралиб туради. Хонақоҳ ва пастки қисм жами 3500 намозхонни сиғдиришга мўлжалланган. Шунингдек, аёллар учун алоҳида таҳоратхона ва намозхона ўрин олиши режалаштирилган.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown




Image not found or type unknown

